ИМТИЁЗЛИ ОБУНА ТУГАШИГА 4 КУН ҚОЛДИ

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 34 (423) ● 2013 йил 27 август

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган




ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*22-23 август кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди.*

● Сенаторлар ўз ишларини Олий Мажлиснинг юқори палатаси муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида **«Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида»**ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар.

Муҳокамалар давомида қайд этилганидек, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантирувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ ғоят хавфли ҳамда одамлар соғлиғи ва атроф–муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисмини ҳаво оқими «Талко» ДУКнинг атрофидаги Тожикистон ҳудудига ва Ўзбекистоннинг чегараолди ҳудудига, шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва бошқа туманларига олиб ўтмоқда. Ҳозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шошилинч чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар ва ресурсларни сафарбар қилишни, ушбу муаммони ҳал қилишга манфаатдор экологик ташкилотлар, БМТнинг тегишли тузилмалари, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари имкониятларини жалб этишни назарда тутадиган қарори қабул қилинди. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, трансчегаравий ифлослантириш муаммолари халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ тегишли қарорларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак.

Сенаторлар ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондаги юз минглаб аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, ушбу минтақада яшайдиган ва меҳнат қиладиган келгуси авлодларнинг тақдири мазкур масалани тезроқ ҳал қилишга боғлиқ, деб қатъий ишонч билдирдилар.

● Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ тайёрланган **«Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** кўриб чиқишга киришдилар.

Ушбу Қонун кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, гаров муомаласига кўчар мол-мулкни киритиш ҳамда тижорат банкларининг мол-мулкни гаровга олиб кредитлаб бериш вақтидаги таваккалчилигини камайтириш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит воситасида молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу эса ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

● Сенаторлар **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг тарқалишига қарши курашишни, зарур профилактикани ҳамда аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришдан иборат.

● Шундан сўнг сенаторлар маҳсулотни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги миллий қонун

3-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.*

NORMA norma.uz

### ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2013 йилдаги 222-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тадбирлари тасдиқланди.**

Университетнинг 2200 ўқув ўрнига эга бўлган янги ўқув-маъмурий биносини қуриш режалаштирилди. Бино пойтахтнинг Учтепа туманида қад кўтаради. Университетнинг ёнида спорт зали, футбол майдони, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти ва сузиш ҳавзасидан иборат бўлган спорт мажмуасини, шунингдек 400 ўринли ошхона қуриш мўлжалланган.

Жаҳон тиллари университетига жалб этилган хорижий мутахассислар учун меҳмонхона биноси қурилади.

Университетнинг бир қатор ўқув корпуси биноларини, талабалар яшаш жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Университетга замонавий компьютер техникаси ва мультимедия ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш учун бюджет маблағлари ажратилади.

Қарорда белгиланишича, Навоий кўчасида жойлашган Университет бинолари ва иншоотлари тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилади.

### ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2013 йилдаги 223-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унинг мақсади аҳоли пунктлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг архитектуравий-бадиий қиёфасини яхшилашдан иборат.**

Дастур доирасида ҳудудий ободонлаштириш бошқармаларини ҳамда лойиҳалаш ташкилотларини ландшафт дизайни бўйича малакали кадрлар – олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган мутахассислар билан таъминлаш режалаштирилган.

Ландшафт дизайни деганда, маълумки, фақат ободонлаштириш ишлари тушунилмайди, балки унинг асосий вазифаси муайян участка, унда жойлашган бино ва иншоот инфратузилмасидан қулай фойдаланиш билан уйғунликда ўсимликлардан ва атроф муҳитдаги элементлардан чиройли ва ноёб композициялар яратишдир.

Дастурда Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтларида ландшафт дизайни мутахассисларини тайёрлаш назарда тутилган. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб «Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» ўқув йўналишлари бўйича абитуриентларни қабул қилиш бошланади.

Архитектура дендрологияси ва ландшафт дизайни соҳасидаги амалиётчи мутахассисларни, жумладан хорижий мутахассисларни ўқитиш жараёнига жалб этиш назарда тутилган. Талабалар эса Англияда ва бошқа мамлакатларда танишув амалиётини ўташ имкониятига эга бўладилар.

Дастурда дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа ўсимликлар бўйича умумий дендрология каталогини ишлаб чиқиш, шунингдек ландшафт дизайни объектларини лойиҳалаш ва барпо этиш ишлари қийматини аниқлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

### ЯГОНА РЕГЛАМЕНТГА МУВОФИҚ ҚУРАМИЗ

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламенти тизимини шакллантириш тўғрисида»ги қарори *(20.08.2013 йилдаги 229-сон)* билан Регламентнинг рухсат бериш ва рўйхатдан ўтказиш тартиботларини туркумлашни назарда тутувчи биринчи қисми маъқулланди.**

Биринчи қисмда у ёки бу тартиботни амалга оширишда таяниладиган меъёрий ҳужжатлар белгиланди, яъни:

шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаси бериш тартиби;

илгари берилган ер участкасида қўшимча объект

3-бетда

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 34 (423) • 2013 йил 27 август

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА: БАНКЛАР УЧУН ЯГОНА ТАРИФЛАР

***«YANGIYO'L AVTOUSTOZ» МЧЖ Сиздан «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиалининг иш ҳақини ходимларимизнинг пластик карточкаларига нақд пулсиз кирим қилишига 2% миқдорида тариф белгилаш тўғрисида шартнома тузиш хусусидаги талабининг қонунийлиги масаласида тушунтириш беришингизни сўрайди.***

***Чунончи, «Норма» газетасининг 29.12.2011 йилдаги 52-сонида банклараро тўлов тизимида мижозларга нақд пулсиз ҳисоб-китобларда сўмдаги пластик карталар билан хизмат кўрсатиш чоғида тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари риоя этиши учун мажбурий тарифлар чоп этилган эди.***

***Ушбу мақоланинг нусхасини хат билан бирга «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиалига тақдим этган эдик, бироқ жавоб хати вазиятни ойдинлаштирмади, бунинг устига бизга оғзаки тарзда 2013 йил июлдан бошлаб розилигимиздан қатъи назар, иш ҳақини пластик карточкаларга қайд этиш суммасидан ҳисобрақамимиздан фоизлар ушлаб қолиниши, бинобарин, банкнинг қолган мижозлари бунга розилиги ва ортиқча саволлар беришмаётганлиги хусусида расмий баёнот беришди.***

***Бундан чиқадики, банк ҳисобрақамга хизмат кўрсатиш бўйича ўз қонун ва тарифларини ўзича белгилашга ҳақли экан-да, зеро улар унчалик оз эмас (тарифлар рўйхатини бизга тақдим этишмаган).***

***Ушбу вазиятни ойдинлаштирсангиз ҳамда биз қандай хизмат турларига қанча миқдорда банкка ҳақ тўлашимиз кераклигини тушунтириб берсангиз.***

**Б.Т.Турсунбеков,**
**директор.**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига *(19.04.2010 йилдаги ПҚ-1325-сон)* мувофиқ Марказий банк томонидан Ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда тариф режаси тасдиқланган бўлиб, унга банклар ва нобанк кредит ташкилотлари пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширaётганда амал қилишлари керак.

Мазкур тарифларнинг 6-бандига мувофиқ жисмоний шахсларнинг пластик карталарига маблағлар кирим қилинишида (маблағлар манбаси ва банк эмитентидан қатъи назар) олинадиган комиссион тўловлар бепул деб белгиланган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 25.04.1996 йилдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 28-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади. Шунга мувофиқ тариф режасига киритилган хизмат турлари бўйича тарифлар хизмат кўрсатувчи банк билан мижоз ўртасидаги шартномага биноан тартибга солинади.

Бундан ташқари, пластик карточкаларга ўтказилган маблағлар, барча тижорат банк



бўлимлари орқали юклаб олиниши, хизмат ҳақи ундирилмаган ҳолда нақд пулда олиниши, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тасарруф этилиши мумкин.

***А.А.САЙФУЛЛАЕВ,***
***Марказий банкнинг Тошкент вилояти бўйича бош бошқармаси бошлиғи.***

## ЮРИСТ ШАРҲИ

Марказий банкнинг Тошкент вилояти бўйича бош бошқармасининг юқорида чоп этилган жавоб хатида кўрсатилганидек, Президентнинг 19.04.2010 йилдаги ПҚ-1325-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган тарифларга барча банклар (шу жумладан сизнинг банкингиз ҳам) амал қилишлари керак. Мазкур тарифларнинг 6-бандида белгиланишича, маблағларни жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига қайд этиш (манба ва эмитент банкдан қатъи назар) воситачилик ҳақини ундиришсиз амалга оширилади.

Тариф режасига киритилмаган хизмат турлари бўйичагина банк воситачилик ҳақи миқдорини мустақил равишда белгилашга ҳақлидир. Бироқ маблағларни жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига қайд этиш тарифларга бепул тақдим этиладиган хизмат сифатида киритилган.

Хўжалик юритувчи субъект юзага келган вазиятда банк раҳбариятига эътироз, прокуратурага шикоят ва хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мижозларнинг ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузганликлари учун банк устав сармояси энг кам миқдорининг 0,01 фоизигача бўлган миқдорда жарима тўлайди, хато амалга оширилган электрон тўловлар натижасида электрон тўловларни амалга ошириш ва пул маблағларини қайтаришнинг белгиланган муддатлари бузилиши бундан мустасно *(«Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 6-бандu, МБнинг АВ томонидан 30.06.2001 йилда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).*

***Елена ЕРМОХИНА,***
***эксперт-юристимиз.***

**РЕКЛАМА**

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
*28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.*
*ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.*

**Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади**

**Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз**
**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

Тел.: (+99890) **187-04-68,** (+99894) **644-62-23, 296-55-78;** факс (8371) **296-52-15**

058-09

**ЭЪЛОНЛАР**

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

**ХИЗМАТЛАР**

Кимёвий тозалаш: ковроланлар, гиламлар, юмшоқ мебель ва автомобиль салонини кимёвий тозалаш.
Тел.: (+99893) 520-77-70, (+99894) 659-50-07.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.
Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

***Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.**

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 26.08.2013 | 1 | 0,7844 | 1 | 1,0498 | 1 | 0,0237 |
| Арманистон | 24.08.2013 | 1 | 406,04 | 1 | 542,55 | 1 | 12,30 |
| Беларусь | 27.08.2013 | 1 | 8930,00 | 1 | 11940,00 | 1 | 271,00 |
| Грузия | 26.08.2013 | 1 | 1,6615 | 1 | 2,2194 | 100 | 5,0264 |
| Қозоғистон | 26.08.2013 | 1 | 152,45 | 1 | 203,73 | 1 | 4,62 |
| Қирғизистон | 27.08.2013 | 1 | 48,5996 | 1 | 64,9655 | 1 | 1,4747 |
| Латвия | 27.08.2013 | 1 | 0,525000 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,015900 |
| Литва | 27.08.2013 | 1 | 2,5813 | 1 | 3,4528 | 1 | 0,07834 |
| Молдова | 26.08.2013 | 1 | 12,7852 | 1 | 17,0204 | 1 | 0,3851 |
| Россия | 27.08.2013 | 1 | 32,9564 | 1 | 44,0891 | – | – |
| Тожикистон | 26.08.2013 | 1 | 4,7664 | 1 | 6,1109 | 1 | 0,1485 |
| Украина | 27.08.2013 | 100 | 799,3000 | 100 | 1067,4652 | 10 | 2,4181 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 27 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1920,34 | 1 Польша злотийси | 672,93 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3307,01 | 1 СДР | 3230,15 |
| 1 Дания кронаси | 381,11 | 1 Туркия лираси | 1067,97 |
| 1 БАА дирҳами | 578,43 | 1 Швейцария франки | 2304,24 |
| 1 АҚШ доллари | 2124,51 | 1 ЕВРО | 2824,45 |
| 1 Миср фунти | 304,49 | 10 Жанубий Корея вони | 19,09 |
| 1 Исландия кронаси | 17,73 | 10 Япония иенаси | 215,29 |
| 1 Канада доллари | 2022,96 | 1 Россия рубли | 64,27 |
| 1 Хитой юани | 347,15 | 1 Украина гривнаси | 265,80 |
| 1 Малайзия ринггити | 643,89 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган*

**УШБУ СОНДА:**

• **ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ**
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот *1, 3-бетлар*
• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1, 3-бетлар*
• **РАСМИЙ ЖАВОБ**
– Пластик карточка: банклар учун ягона тарифлар
– Валюталар курси *2-бет*
• **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Охирги сўзни ким айтади?
– Йирик битим нима *4-бет*
• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Ўриндошликда ишлаш қоидалари *5-бет*
• **НАЗОРАТ**
– 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режажадвали *6-8-бетлар*

1-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ҳужжатларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган **«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Бу соҳадаги муносабатлар бугунги кунда турли соҳавий қонунлар: «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши мувофиқликни баҳолашнинг бутун тизимини, шу жумладан, миллий аккредитацияни ҳам ташкил этишнинг умумий принциплари, қоидалари тартибга солинишини таъминлайди.

● Сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2012 йилларда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги; «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва давлат раҳбарининг бошқа фармонлари асосида тайёрланган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** ҳам кўриб чиқдилар.

Қонун билан Солиқ, Божхона, Хўжалик-процессуал, Меҳнат, Жиноят кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа қатор қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

● Ялпи мажлиснинг иккинчи кунида сенаторлар ўзларининг конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. Қайд этиб ўтилганидек, Марказий банкнинг 2012 йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорига, шунингдек, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ амалга оширилди.

Чунончи, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баравар юқори бўлди. Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси талаб қилинадиган энг кам даражадан 2 баравар юқори бўлди.

Самарали банк назоратининг амалга оширилиши, активлар ликвидлиги ва сифати халқаро стандартларга мувофиқ доимий мониторинг қилиниши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан ижобий баҳолар олиш имконини берди. Чунончи, мамлакатнинг 28 та тижорат банки «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» рейтинг агентликлари томонидан берилган «барқарор» даражасидаги ижобий рейтинг баҳоларига эга.

2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми олдинги йилдагига қараганда 30,5 фоизга ошди. Шу билан бирга инвестиция мақсадларига берилган кредитлар улуши 1,3 баравар кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфели умумий ҳажмининг 85,8 фоизини ташкил этди, муддати уч йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли қўйилмалар эса 30,9 фоизга ўсиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил қилди.

Муҳокама жараёнида тижорат банклари балансига ўтказилган 120 та иқтисодий ночор корхонани соғломлаштириш бўйича амалга оширилган самарали иш ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ва бу корхоналарни стратегик инвесторларга реализация қилишга имкон берганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу 25 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш имконини берди. Мазкур корхоналар томонидан жами 494,4 млн АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўп кредитлар ажратилди, шу жумладан ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,5 баравар кўпайди.

Миллий иқтисодиётга чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этиш мақсадида 2012 йилда банклар томонидан халқаро молия институтларининг 181,7 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилган бўлиб, бу 2011 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Сенаторлар мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишда банк-молия тизими субъектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиши, банк назорати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил рўёбга чиқаришни давом эттириш, банкларнинг ресурс базасини ошириш, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш лойиҳаларини кредитлаш, банк хизматларини диверсификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

● Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

*Сенатнинг икки кунлик мажлисида 9 та масала, шу жумладан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоидаларини изчил рўёбга чиқаришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мумкин қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та қонун кўриб чиқилди.*

*Сенат томонидан Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилганлиги экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инсоннинг соғлом табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.*

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

қуриш, мавжуд объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, шунингдек турар жойларни нотурар жой тоифасига, ва, аксинча, нотурар жойларни турар жой тоифасига ўтказиш учун рухсат бериш тартиби;

архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш ва техник шартларни олиш тартиби;

лойиҳа-қидирув ишларини бажариш, объектни қуриш (реконструкция қилиш) учун лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш тартиби;

объектни қуриш учун лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби;

капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ўтказиш тартиби;

қурилаётган объектни рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсат олиш тартиби;

объектни қуриш (реконструкция қилиш) ва объектни фойдаланишга қабул қилиш тартиби.

Бунга қуйидагича изоҳ берамиз: агар ҳужжат муайян таомилнинг ягона тартибга солувчиси сифатида Регламентда кўрсатилган бўлса, бошқа соҳаларда ҳудди шу таомилни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар қоидаларига амал қилиш ёхуд ҳужжатда мавжуд талабларни истисно этиш ҳуқуқка зид саналади. Масалан, Регламентга мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкаси бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2013 йилдаги 54-сон қарорига 1-илова)* мувофиқ амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктлари ташқарисидан, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар ва вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектларни қурилиши учун ер участкалари беришга келсак, у Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2013 йилдаги 54-сон қарори билан, бироқ 2-иловаси сифатида тасдиқланган Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Регламентдан кўринишича, шаҳарда қурилиш мақсадида ер участкасини олиш учун фақат биринчи илова амал қилади, аҳоли пунктидан ташқарида қуриш учун эса фақат иккинчи илова қўлланилади, ўзи учун иккаласидан энг мақбул кўрсатмаларни танлаб олиш ёки қандайдир бошқа «вазиятга монанд» ҳужжатларни қўллаш қонунчиликни бузиш саналади.

Ягона қурилиш регламентининг иккинчи қисми шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив базани тартибга солади ва тизимлаштиради. Регламентнинг учинчи қисми хўжалик-ҳуқуқий муносабатлар ва қурилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишга бағишланган.

Қарор билан Ишчи гуруҳ ташкил этилди, унинг вазифаси босқичма-босқич асосда Ягона қурилиш регламентини шакллантириш ва уни амалда қўллаш натижаларини мониторинг қилиш саналади.

## ТОВАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДА «СОҒЛОМ» РАҚОБАТ БЎЛИШИ УЧУН

**Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2013 йилдаги 230-сон қарори билан:**

● Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

● Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;

● Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;

● Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом;

● Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатларда «Рақобат тўғрисида»ги Қонун *(6.01.2012 йилдаги ЎРҚ-319-сон)* билан белгиланган меъёрлар аниқлаштирилган ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат соҳасида давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш учун қабул қилинган.

Низомларга шарҳлар «Норма маслаҳатчи»нинг кейинги сонида чоп этилади.

***Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни таҳририят эксперт-юристлари тайёрлайдилар.***

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 34 (423) ● 2013 йил 27 август

# ОХИРГИ СЎЗНИ КИМ АЙТАДИ?



***Устав капиталидаги улушлари 70 ва 30% бўлган икки ташкилот МЧЖ муассисларидир. Йил якунлари бўйича жамиятда соф фойда ҳосил бўлди. Айни пайтда йил охирига МЧЖ олинган узоқ муддатли қарз ва унга доир фоизлар учун қопланмаган кредиторлик қарзига эга.***

***Йил якунлари бўйича муассисларнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда соф фойдани тақсимлаш масаласи қўйилди. Устав капиталининг 70% улушига эга бўлган муассис соф фойданинг 5%ини захира фондига йўналтириш, қолган қисмини эса узоқ муддатли қарзни сўндириш ва корхонанинг оборот маблағларини тўлдириш учун қўшимча захира фондига ажратишни таклиф қилди. Бироқ устав фондида 30% улушга эга бўлган муассис бу таклифга кўнмади ва дивиденд тўлашни талаб қиляпти.***

***Муассисларнинг умумий йиғилишида қандай қарор қабул қилиниши керак? Устав фондида 30% улушга эга бўлган муассис дивиденд тўлашни талаб қилишга ҳақлими?***

– «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг *(6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун)* 34-моддаси ўнинчи қисмига мувофиқ соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор, агар бундай қарорни қабул қилиш учун жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилиги билан қабул қилинади.

МЧЖ тўғрисидаги Қонун 34-моддасининг тўртинчи қисмига кўра жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси умумий йиғилишда МЧЖнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади. Жамият таъсис этилганда қабул қилинган уставда ёки унга киритилган ўзгартиришларда овозлар сонини белгилашнинг бошқа тартиби назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Уставга жамият иштирокчиларининг овозларини санашнинг бошқача тартибини белгилайдиган жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарори асосидагина амалга оширилади.

Шу тариқа, агар уставда овозлар сонини белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, устав капиталининг 70% улушига эга бўлган муассис 70 овозга, иккинчи муассис эса тегишлича 30 овозга эга бўлади. Ва, агар уставда жамият соф фойдасини унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаса, ушбу қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бинобарин, умумий йиғилишда соф фойданинг 5%ини захира фондига йўналтириш, унинг қолган қисмини эса узоқ муддатли қарзни сўндириш ва корхонанинг оборот маблағларини тўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинади деб хулоса чиқариш мумкин.

Бундай қарорга қўшилмаган иккинчи муассис унинг устидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой мобайнида суд тартибида шикоят қилиши мумкин *(МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 41-моддаси)*. Агар биринчи муассиснинг ҳаракатларида қоидабузарликни кўрса, фақат судгина ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорини бекор қилиши мумкин. Уни бекор қилиш учун қуйидаги ҳолатларнинг бири ёки уларнинг жамлиги асос бўлиши мумкин:

устав капиталида 70% улушга эга муассис йўл қўйган қоидабузарликлар муҳим қоидалар бўлиб ҳисобланса. Муҳимлилик мезони қонун ҳужжатларида қайд этилмаган, шу сабабли суд ҳар бир ҳолни якка тартибда кўриб чиқади;

қарор устав капиталида 30% улушга эга бўлган жамиятнинг иккинчи иштирокчисига зарар келтиришга олиб келса.

# ЙИРИК БИТИМ НИМА

***Айрим битимларни МЧЖда алоҳида, қонун билан белгиланган тартибда тузиш лозим. «Йирик битимлар» деб аталадиган битимлар ҳам шулар жумласига киради. Агар бундай битимни тузишнинг қонун билан белгиланган тартибига риоя этилмаса, у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.***

***Жамият томонидан битим тузилгунига қадар у «йирик битим» мезонига мувофиқ келиш-келмаслигини текшириш керак. Ва, агар мувофиқ келса, унга доир қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш лозим.***

## ТУШУНЧАНИ АНИҚЛАЙМИЗ

Жамият мол-мулки қийматининг 25%и ва ундан ортиғини ташкил этадиган қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим **йирик битим** деб ҳисобланади *(«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 44-моддаси)*. Уни тузиш иштирокчиларнинг умумий йиғилиши (ёки кузатув кенгаши) томонидан маъқулланиши керак.



Йирик битимнинг қуйи чегараси (25%) жамият устави томонидан кўпайтирилиши мумкин *(МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддасининг биринчи қисми)*.

Қонун қандай ҳолларда бир неча битимни ўзаро боғлиқ битимлар деб топиш ва уларни жамликда битта йирик битим деб қараш мумкинлигини кўрсатмайди.

Шубҳасиз, битимларни ўзаро боғлиқ битимлар деб эътироф этиш хатари қуйидаги ҳолларда жиддий равишда ошади, агар:

битимлар бир турда бўлса ва қисқа вақт оралиғида муайян бир шахслар томонидан содир этилса;

битимлар бўйича тасарруфдан чиқарилаётган ёки харид қилинаётган мол-мулк ягона технологик жараён ёки ягона мақсад вазифаси билан боғланган бўлса;

битимлар ягона ҳуқуқий оқибатлар ёки ягона мақсадга эришишга йўналтирилса.

Агар саналган аломатлардан бир нечтаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса, битимнинг ўзаро боғлиқ битим деб эътироф этилиши эҳтимоли катта.

Йирик битим натижасида жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати йирик битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан аввалги охирги ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланади.

Жамият харид қиладиган мол-мулкнинг қиймати одатда шартномада кўрсатиладиган таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади *(МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддасининг иккинчи қисми)*.

Жамиятнинг оддий хўжалик фаолияти жараёнида содир этиладиган битимлар йирик битимлар бўлиб ҳисобланмайди.

Битимнинг жамиятнинг оддий хўжалик фаолиятига мансублигини ҳар доим ҳам исботлашга муваффақ бўлинмайди.

Қонун айни қандай битимлар жамиятнинг оддий хўжалик фаолияти билан боғланганлигини белгиламайди. Бироқ уларга товарлар ёки маҳсулотни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдан фойда олишга йўналтирилган, шунингдек хом ашё, материаллар харид қилиш билан боғлиқ битимлар киради деб тахмин қилиш мумкин. Зеро оддий хўжалик фаолияти деганда жамиятнинг уставда қайд этилган ва мунтазам равишда фойда олишга йўналтирилган фаолияти тушунилади.

Жамият учун хос бўлмаган қуйидаги битимларни оддий хўжалик фаолиятига киритиш мумкин эмас деб биламиз:

талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш шартномаси;

учинчи шахсларнинг мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида кўчар ва кўчмас мулкни гаровга бериш шартномаси ҳамда кафиллик билдириш;

бошқа жамият устав капиталидаги улушни бошқа шахсга бериш шартномаси.

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг маъқуллаши нафақат шартнома учун талаб қилиниши мумкин, «Битим» тушунчаси «шартнома» тушунчасига қараганда кенгроқ, шу боис йирик битим нафақат шартнома, балки бошқа хўжалик жамиятининг устав капиталини тўлаш, келишув битими, контракт ижросининг таъминоти сифатида пул маблағларини киритиш ҳам бўлиши мумкин.

Дастлабки шартнома, шартномага қўшимча битим, биргаликдаги фаолият тўғрисида шартнома ва бошқа битимлар ҳам йирик битимлар бўлиши мумкин.

МЧЖ иштирокчилари ўртасида тузилган улушлар олди-сотдиси битимини, агар у йирик битимнинг белгиланган миқдорига мувофиқ келса, маъқуллаш мумкинми? Йўқ. Агар МЧЖ иштирокчилари жамият устав капиталидаги улушнинг олди-сотди шартномасини тузсалар, МЧЖнинг ўзи бундай шартноманинг тарафи ҳисобланмайди. Бундай ҳолда МЧЖ мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш юз бермайди. Шу боис бундай шартнома йирик битим учун талаблар таъсирига тушмайди.

## ЙИРИК БИТИМЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТУЗИШ КЕРАК

Юқорида айтганимиздек, жамият йирик битимни фақат у иштирокчилар томонидан маъқуллангандан кейингина содир этиш ҳуқуқига эга. Жамиятда кузатув кенгаши тузилган тақдирда, унга улар бўйича учинчи шахсга бериладиган (харид қилинадиган) мол-мулкнинг қиймати жамият мол-мулкининг қиймати 25 дан то 50%игачасини ташкил этадиган йирик битимларни маъқуллаш бўйича ваколатларни юклаш мумкин *(МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддасининг тўртинчи қисми)*. Агар жамиятда бир иштирокчи бўлса ва у директор ҳисобланмаса, битимни маъқуллаш учун унинг ёзма розилиги етарлидир.

Дастлабки маъқуллашсиз тузилган йирик битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланмайди. У жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин *(яъни битим МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддасининг бешинчи қисмига асосан низоли ҳисобланади)*.

Йирик битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарорда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

битим бўйича тарафлар, наф олувчилар ҳисобланадиган шахслар;

битим предмети;

битим нархи;

битимнинг бошқа муҳим шартлари.

Бунда иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорини расмийлаштириш ва унинг мазмунига умумий талабларни ҳисобга олиш лозим.

Агар уни маъқуллаш тўғрисидаги қарор санасидан кейин бир неча ой ўтган бўлса, жамият йирик битимни амалга оширишга ҳақлими? Ҳақли, йирик битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиш муддатини қонун чекламаган. Шу сабабли қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоқ вақт ўтгач содир этилган йирик битим қонуний ҳисобланади.

***Эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***

# ЎРИНДОШЛИКДА ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ

***«Норма маслаҳатчи»нинг 12.06.2012 йилдаги 24-сонида «Табелда ҳақиқатда ишланган соатлар ёзилади» маслаҳати чоп этилган эди. Ўриндошлик бўйича ишлаш тартиби тўғрисида янги низом қабул қилинганидан кейин бирор қоида, шу жумладан ҳақ тўлаш бобида ўзгардими?***



Дарҳақиқат, Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом *(ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон билан қабул қилинган, бундан кейин – Низом)* қабул қилинганидан кейин ўриндошлик бўйича ишлаш тартиби бир талай ўзгаришларга учради.

Низом мулкчиликнинг барча шаклларидаги, шу жумладан бюджетга оид, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномасига (контрактга) мувофиқ ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишловчи жисмоний шахслар – Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солади.

Ўриндошлик асосий ишга эга бўлган ходим билан расмийлаштирилади. Ўриндошлик асосида иш асосий ишдан бўш вақтда бажарилади.

Ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси асосий иш жойида – ички ўриндошлик, бошқа иш берувчилар билан ҳам – ташқи ўриндошлик тузилиши мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шу жумладан, ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга **йўл қўйилмайди**, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно *(ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори 2-банди)*.

**Қуйидагиларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади:**

18 ёшга тўлмаган шахслар;

агар шахснинг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;

бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари – соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (ходимлар) *(Низомнинг 4-банди)*.

Илгаридагидек, **ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги** ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бироқ Низомда ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунида ишлаши мумкинлиги назарда тутилган *(Низомнинг 7-банди)*.

Жисмоний шахс билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида Меҳнат кодексида (МК) белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади *(Низомнинг 8-банди)*.

Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табелида ўриндош ишлаган вақт кўрсатилади, бироқ у кунига 4 соат ва ҳафтада 20 соатдан ошмаслиги керак. Агар иш вақти жамлаб ҳисоблаб юритилса, кунига 12 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўриндошлик асосида ишлаш вақтининг давомийлиги чеклanganлиги боис, улар **меҳнатига ҳақ тўлаш** ҳақиқатда бажарилган иш учун ёки ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади *(Низомнинг 11-банди)*.

Ўриндошлик асосидаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнат унумдорлигига ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа шартларга қараб, ишланган вақтга мутаносиб равишда, Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф коэффициенти асосида ҳисоблаб чиқилган миқдордан **(2013 йил 15 августдан бошлаб у 226 628 сўмга тенг)** паст бўлиши мумкин эмас *(Низомнинг 13-банди)*.

Агар ички меҳнат тартибида ёки ташкилотнинг жамоавий шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошларнинг **меҳнати учун рағбатлантириш** ташкилотнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади *(МКнинг 153-моддаси; Низомнинг 15-банди)*.

Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча **таътиллар** асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим 6 ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишланган вақтга мутаносиб ҳақ тўланади.

Агар ўриндош биринчи иш йилида 6 ой ишлаган бўлса, унинг меҳнат таътилига ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади *(Низомнинг 16-банди)*.

Агар асосий иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлигидан ортиқ бўлса, у ҳолда иш берувчи ўриндошнинг илтимосига кўра унга ушбу тафовут учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришга мажбурдир *(Низомнинг 17-банди)*.

Ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик **нафақаси** олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир. Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси нафақа олиш учун асос ҳисобланади *(Низомнинг 18 ва 19-бандлари)*.

Ходим асосий иш жойидаги иш берувчига унинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда у ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотномани тақдим этади *(унинг шакли меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 29.01.2013 йилда 2417-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)*. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига иш жойини кўрсатган ҳолда тегишли ёзувни киритади. Ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосий иш жойида сақланади *(Низомнинг 9-банди)*.

Агар ходимнинг илтимосига кўра унинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхасига мувофиқ иш берувчи томонидан асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасига бу ҳақда ёзув киритилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинишининг асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди *(Низомнинг 10-банди)*.

Ва охиргиси: иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси (ходимлар бошқа вакиллик органининг) ёки асосий иш жойидаги бошқа органнинг ўриндошлик асосида ишлашга розилиги талаб қилинмайди.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***эксперт-юристимиз.***

## МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ САВОЛ-ЖАВОБЛАРДА

### ДИРЕКТОР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТА ОЛАДИМИ?

***Бизнинг ишхонамизда фаррош йўқ, корхона раҳбари ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиб, ходимларни хизмат хоналарини тозалашга мажбурлайди. Бу эса бизнинг хизмат вазифаларимизга ҳам кирмайди, меҳнат шартномасида ҳам назарда тутилмаган ва бунинг учун ҳақ ҳам тўланмайди. Директорнинг ҳаракатлари қонунийми?***

– Йўқ, директорнинг ҳаракатлари қонунга зид ва ушбу ҳолат мажбурий меҳнат сифатида баҳоланади. Меҳнат кодексининг 7-моддасига асосан мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Қуйидаги ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди:

- ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар («Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун) асосида;
- фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар.

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШИМИЗ ШАРТМИ?

***Бизнинг мебель ишлаб чиқариш бўйича унча катта бўлмаган фирмамиз бор. Биз жамоа шартномасини тузишимиз шартми?***

– Меҳнат кодексининг 31-моддасига мувофиқ ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Бинобарин, жамоа шартномаси тузиш иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органларининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиб, меҳнат қонунчилигида жамоа шартномасини мажбурий тарзда тузишни белгиловчи қоида мавжуд эмас, деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, жамоа шартномасини тузиш ҳам иш берувчи учун, ҳам меҳнат жамоаси учун мақсадга мувофиқ, чунки у қонунчиликда акс эттирилмаган бир қатор масалаларни тартибга солиш имконини беради.

### КОРХОНАМИЗ СОТИЛДИ. ЭНДИ ИШДАН БЎШАТИЛАМИЗМИ?

***Бизнинг корхонамиз бошқа мулкдорга сотиб юборилди. Энди меҳнат жамоамиз (биз пойабзал фабрикасида ишлаймиз) ишдан бўшатиламизми, деб ташвишланмоқда.***

– Йўқ, бундай бўлмайди. Сизнинг вазиятингизда сўз корхонанинг мулкдори алмашиши ҳақида кетмоқда. Меҳнат кодексининг 98-моддаси биринчи қисмига мувофиқ бундай ҳолларда меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Корхона мулкдори алмашиши, шунингдек корхона қайта ташкил этилиши меҳнат жамоаси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келмайди. Ушбу умумий қоидадан фақат битта истисно ҳолат бор: Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига кўра корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилиниши мумкин.

***www.mehnat.uz сайтидан олинган материаллар асосида тайёрланди.***

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***МИРИШКОР тумани*** | | |
| ТУРОН ЭЛЕКТРОН КУРИЛИШ МЧЖ | 300083689 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A) |
| МИРИШКОР САВДО МЧЖ | 200701554 | 1(A), 11(A), 17(B) |
| ***НИШОН тумани*** | | |
| НИШОН ПАХТА ТОЗАЛАШ ОАЖ | 201284740 | 9(B), 20(B) |
| ***ЧИРОҚЧИ тумани*** | | |
| САМО ИНВЕСТ ЁГДУСИ ИЧСФ | 300599124 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| САХРО ТРАНС СЕРВИС МЧЖ | 301439084 | 1(B), 11(B), 20(A), 33(B) |
| ЧИРОКЧИ ТЕЖАМК ГАЗ ТАЪМ. МЧЖ | 206131476 | 1(B), 17(B), 20(B), 22(B), 33(B) |
| КАШКАДАРЁ КУРИЛИШ НЕФТЕГАЗ МЧЖ | 300740685 | 1(A), 17(B), 20(A), 25(A) |
| ***ШАҲРИСАБЗ тумани*** | | |
| SHAHR. OZIQ-OVQAT MOL. UB MCHJ | 301675512 | 1(B), 11(B), 16(B), 20(B), 25(B) |
| AL SAMAR KESH XK | 301687917 | 1(A), 11(A) |
| ***ЯККАБОҒ тумани*** | | |
| ЯККАБОГ ИРМОНТАЖ МЧЖ | 205064544 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 29(A), 33(B) |

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***ЗАРАФШОН ш.*** | | |
| МЧЖ ШАКЛИДАГИ AGROFRESH КК | 301325639 | 1(B) |
| SERVIS-ZAR-TEX XK | 300584642 | 1(A), 11(A), 20(A), 25(A), 29(A) |
| ***НАВОИЙ ш.*** | | |
| ЧФ МЕВАСАБЗАВОТ-2000 | 203254619 | 1(A), 11(B), 20(A) |
| 2-СОН МКК МЧЖ | 200747583 | 1(C), 9(B), 22(B), 25(B) |
| EVINSET STAR NAVOIY МЧЖ | 301617574 | 1(A), 2(B) |
| NAVOIYRASHTRANS МЧЖ | 204233359 | 1(B), 2(B), 11(A), 17(B), 20(B), 25(B), 33(B), 38(B) |
| ***КОНИМЕХ тумани*** | | |
| ХФ SINESTROL-SETSAL | 300646818 | 1(A), 11(A), 20(A), 34(C) |
| ***КАРМАНА тумани*** | | |
| KARMANA OIL XK | 205531668 | 1(B), 33(B) |
| ERKIN BUNYODKOR XK | 300648996 | 1(A) |
| ***ҚИЗИЛТЕПА тумани*** | | |
| BO`STON QURILISH SERVIS MCHJ | 205591357 | 1(B), 18(B), 20(B), 25(B) |
| MUXAMMAD MUROD KELAJAGI МЧЖ | 206686545 | 1(A), 25(A) |
| ***НАВБАҲОР тумани*** | | |
| XXI АСР КУХИ-НУР ФХ | 203778013 | 1(A), 29(A) |
| ***ХАТИРЧИ тумани*** | | |
| ДУСТЛИК ФХ | 200022932 | 1(A), 29(A) |
| MANGIRABOD ALOQA SHAMS МЧЖ | 301224503 | 1(A), 25(A) |

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***НАМАНГАН ш.*** | | |
| БУЮК СИЧК | 202439728 | 1(B), 11(B) |
| САХОВАТ МЧЖ | 201234920 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| БОБУР МИРЗО САВДО СЕРВИС ХК | 300423485 | 1(B), 17(B), 20(B) |
| КЕТРИНГ МЧЖ | 203574402 | 1(B), 11(C) |
| SADOQAT VODIY SAVDO MCHJ | 300650727 | 1(B), 11(B) |
| MARJON PLAST SANOAT MCHJ | 300475152 | 1(B), 11(B), 17(B), 20(B), 22(B) |
| ZIYODA-OYDINA SAVDO МЧЖ | 301601263 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| ***КОСОНСОЙ тумани*** | | |
| ФОЗИЛБЕК МЧЖ | 201919178 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 29(A), 33(B) |
| МУКАДДАС-КУШОН СИЧ МЧЖ | 200075700 | 1(B) |
| ***НАМАНГАН тумани*** | | |
| DAVR METALL XK | 204956083 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 22(B), 25(A) |
| VOHID AFRUSH XK | 206853259 | 1(A), 11(A), 33(B) |
| ***ПОП тумани*** | | |
| РАХМОН БИЛОЛ-Д ФХ | 204794144 | 1(A), 29(A) |
| ПАПФЕН ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ | 202292027 | 1(C), 11(B), 17(B), 20(A), 22(B), 25(B), 33(B), 38(B) |
| ***ТЎРАҚЎРҒОН тумани*** | | |
| НУМОНЖОН ХОЖИ НАБИР АСАДБЕК ФХ | 205387300 | 1(A) |
| ***УЙЧИ тумани*** | | |
| УЙЧИ ОМУХТА ЕМ САВДО МЧЖ | 300846505 | 1(B) |
| YUNIFLAM-TIKLANISH XK | 206086184 | 1(B), 11(B), 34(C) |
| ***УЧҚЎРҒОН тумани*** | | |
| ООО ДОНИЕР САЛТАНАТ КАМРОН | 300834931 | 1(A), 11(A) |
| ООО ЖАХОН ЙУЛОВЧИ ТРАНС | 206362355 | 1(A), 15(B) |
| ***ЧОРТОҚ тумани*** | | |
| САДОКАТ МЧЖ | 203224686 | 1(B), 17(B) |
| ХАНИФА-АЯ НОМЛИ ФХ | 203433363 | 1(A) |
| KOROSKON OLTINI ФХ | 300116756 | 1(A), 29(A) |
| ***ЧУСТ тумани*** | | |
| ЧУСТАРХПРОЕКТ МЧЖ | 200111734 | 1(A), 11(B), 20(B) |
| САЪДИ-ФАЙЗ ФХ | 200113834 | 1(A) |
| ЗИЙНАТ САБР СОДИК МЧЖ | 206665413 | 1(B), 20(B), 22(B), 33(B), 38(B) |
| ***ЯНГИҚЎРҒОН тумани*** | | |
| ХК ИСКОВОТ ГИШТ | 200118771 | 1(B), 17(B), 20(A), 22(B), 33(B), 38(B) |
| МЧЖ МАШИНАСОЗ ДАМ ОЛИШ УЙИ | 202504654 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A) |

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***ОҚДАРЁ тумани*** | | |
| FURQAT DIL ROZISI МЧЖ | 301655236 | 1(A), 20(A) |
| ***БУЛУНҒУР тумани*** | | |
| ДАВРОН-1 ФИРМАСИ | 202112652 | 1(A), 25(A) |
| ***КАТТАҚЎРҒОН ш.*** | | |
| POKIZA PLYUS ШК | 204784045 | 1(A), 11(A) |
| ***САМАРҚАНД ш.*** | | |
| YUG-M МЧЖ | 202330722 | 1(B), 2(B), 16(B) |
| SAMEZTAB. GEOBUR УЗБЕК-РОС. КК | 300013520 | 1(A), 16(B), 20(B) |
| ХАЗИНА КРЕДИТ УЮШМА | 204280665 | 1(A) |
| FARMASEVT МЧЖ | 200611262 | 1(B), 2(B), 11(A), 34(C) |
| ШК ТАЪМИРЧИ | 203643854 | 1(B), 16(B), 20(B) |
| ХФ BOLTA BOBO-TMG | 204015383 | 1(B), 17(B), 33(B), 38(B) |
| DARJEELING ООО | 204620992 | 1(B), 20(B) |
| AZIZ SITORA MCHJ | 300936148 | 1(B), 20(B) |
| ЭРКИН ХИЧТФ | 203084878 | 1(A) |
| ERKIN SHIRIN TAOM MCHJ | 301681173 | 1(B), 16(B), 20(A) |
| АЭРОПОРТ САМАРКАНД | 200791776 | 11(C), 14(B), 20(B), 22(B) |
| AFSONA-TRAVEL МЧЖ | 202822781 | 1(C), 11(A), 40(C) |
| KRISTALL-TUZ ООО | 204648134 | 1(B), 2(B), 11(A), 17(B), 20(B), 25(B), 33(B) |
| ORIYO-MEHR МЧЖ | 205137001 | 1(B), 16(B), 34(C) |
| ABDURAUF BROK SERVIS XK | 205560023 | 1(A) |
| FIRUZ KARTON PRODUKT МЧЖ | 205763577 | 1(B), 16(B), 20(B), 25(A) |
| САМАРКАНД АВТОМОБИЛ ЗАВОДИ МЧЖ | 202137344 | 9(C), 20(B), 22(B), 38(B) |
| ООО ХУРШЕД 3 | 202710613 | 1(B), 11(B), 20(B), 22(B), 25(A) |
| MIRULUG МЧЖ | 202392511 | 1(B), 34(C) |
| ЗАРАФШОН ГАЗЕТАСИ | 202093701 | 1(A) |
| KORUND ALMAZ TRANS МЧЖ | 206503384 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| MUXLISA-NAX XK | 205579805 | 1(A) |
| ***ЖОМБОЙ тумани*** | | |
| ИБРОХИМ ШОМУРОДОВ ФХ | 204215902 | 1(A) |
| SANGZAR TOSH MCHJ | 300544374 | 1(B), 11(A), 16(B), 17(B) |
| RAVSHAN-DAVRON MDA FX | 206078114 | 1(A), 29(A) |
| ***ИШТИХОН тумани*** | | |
| YADGAROV IBRAGIM ФХ | 200972280 | 1(A) |
| ***КАТТАҚЎРҒОН тумани*** | | |
| SAHBAS-OPTOVIK МЧЖ | 300837935 | 1(A) |
| ИКРОМ ХК | 202079084 | 1(B), 11(A) |
| ***ҚЎШРАБОТ тумани*** | | |
| ZARMITAN BUNYODKORI XK | 206715452 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A) |
| ***НАРПАЙ тумани*** | | |
| TXU SHUHRAT FIRMASI NARPAY T. | 203793519 | 1(A), 11(A), 20(A), 33(B), 38(B) |
| MIRFARM-SAVDO ХФ NARPAY T. | 204991453 | 1(A), 11(A), 34(C) |
| ***НУРОБОД тумани*** | | |
| MAROQAND OIL SERVIS МЧЖ | 300077164 | 1(A), 20(A), 33(B) |
| ***ПАЙАРИҚ тумани*** | | |
| КИШЛОК ХУЖАЛИК КИМЁ А. БИРЛАШ. | 200760506 | 1(A), 11(A), 14(B), 17(B), 20(A), 25(A) |
| ***ПАСТДАРҒОМ тумани*** | | |
| PAXTAKOR-SAMARQAND МЧЖ | 202529307 | 1(B), 2(B), 11(A), 20(A), 25(A) |
| YODGORA JASUR BEKZOD MASKANI | 301178347 | 1(A) |
| DILSHOD SHERZOD SHAXZOD SAVDO | 301135527 | 1(A), 25(A) |
| ***ПАХТАЧИ тумани*** | | |
| ZIYOVUDDIN SITORA MAXSULOTI X. | 300831152 | 1(A) |
| ***САМАРҚАНД тумани*** | | |
| SAMTEXPROEKTSTROY XK | 300365922 | 1(B), 20(A), 25(A) |
| MUXAMMADJON MUXAMADIEV МЧЖ | 300917606 | 1(A) |
| ***ТОЙЛОҚ тумани*** | | |
| МОНТАЖЧИ КК | 202320694 | 1(A), 25(A) |
| ***УРГУТ тумани*** | | |
| URGUT KENAGAS SAVDO MCHJ | 200786299 | 1(A), 11(A) |
| FORTUNA SALYUT MCHJ | 300561584 | 1(A) |

*Текширишлар бошланадиган сана – 2013 йил 1 сентябрь. Текширишлар тугайдиган сана 30 сентябрь.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***ОЛТИНСОЙ тумани*** | | |
| ЛОЧИНБЕК ФХ | 203785511 | 1(A), 29(C) |
| РАХМОН БОБО-УГИЛЛАРИ ФХ | 204008519 | 1(A), 29(B) |
| ***АНГОР тумани*** | | |
| ОЙДИН СТИЧХФ | 203041353 | 1(B), 11(B), 17(B), 20(A) |
| НИГИНА ХФ | 203585246 | 1(A), 11(A), 20(A), 34(C) |
| ***БОЙСУН тумани*** | | |
| БОЙСУН-ОМОНХОНА ШАРБАТИ МЧЖ | 300490429 | 1(B), 11(B), 16(B), 17(B), 20(A) |
| ***ТЕРМИЗ ш.*** | | |
| АЗИЗБЕК КО ЛТД ХФ | 201990117 | 1(A), 11(B), 17(B) |
| ТЕРМИЗ КУРИЛ. ИНДУСТРИЯ-САН ИК | 300555084 | 1(B), 20(A), 25(B) |
| TERMIZ MEBEL DURADGOR МЧЖ | 301559125 | 1(A), 20(A) |
| ТЕРМИЗ БИНОКОР ФАЙЗ ИТКТ | 301347064 | 1(A) |
| СД ВТОРЧЕРМЕТ | 201290244 | 2(B), 6(B), 33(B), 35(C), 38(B) |
| ***ДЕНОВ тумани*** | | |
| ИЛМАШ ФАЙЗ ГУЛИСТОН ХК | 206461762 | 1(A), 11(A), 20(A), 33(B), 38(B) |
| БУЮК ИПАК ЙУЛИ МЧЖ | 202744199 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| ***ЖАРҚЎРҒОН тумани*** | | |
| КУРУВЧИ КУП. ТАР. ХК | 202864872 | 1(B), 6(B), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 29(B) |
| ЖАРКУРГОН-ОБОДОНЛАШТИРИШ МЧЖ | 200486600 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A), 33(B) |
| ***ҚИЗИРИҚ тумани*** | | |
| САФАР ФХ | 202454053 | 1(A), 29(A) |
| ТОЙИР-КАРИМ ХФ | 204397384 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A) |
| РУСТАМ ШОЙИМОВ ФХ | 203790514 | 1(A), 17(B), 29(B) |
| ***МУЗРАБОТ тумани*** | | |
| ЖУРАЕВ БОЗОР ФХ | 202166751 | 1(A), 29(B) |
| SURXON-G'ISHT-QURILISH МЧЖ | 300908030 | 1(B), 6(B), 16(B), 17(B), 20(A), 22(B) |
| ***САРИОСИЁ тумани*** | | |
| ИСФАНДИЕР БАРАКА СИЧХК | 206502805 | 1(A), 11(A), 16(B), 20(A) |
| ЖУРАБЕК КУНГИРОТ ФХ | 206096156 | 1(A), 29(B) |
| НАБИЖОН ЁДГОР | 300177246 | 1(A), 29(B) |
| ***ТЕРМИЗ тумани*** | | |
| КИЗИЛБОЙ ФХ | 202176050 | 1(A) |
| ***УЗУН тумани*** | | |
| АРСЛОНБЕК ВА КОМПАНИЯ ХФ | 203719038 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A) |
| ***ШЕРОБОД тумани*** | | |
| ШОКИР-МУХАММАД-КАРИМ ХК | 206236258 | 1(A), 17(B), 20(A), 33(B) |
| ХУШВАКТ ФХ | 202110609 | 1(A), 29(B) |
| МАРЖОНА-ДОНИЕР-ФАЙЗ ФХ | 206060289 | 1(A), 29(B) |
| ***ШЎРЧИ тумани*** | | |
| БЕКЗОД-ДАВЛАТОВ МЧМТП | 300590802 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| КУДРАТОВ АХМАД ФХ | 200503135 | 1(A), 29(B) |

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***БОЁВУТ тумани*** | | |
| БОЁВУТ ТУМАНЛАРАРО КХК | 200303004 | 20(B), 33(B), 35(C) |
| ЭРГАШ ОТА АВЛОДЛАРИ ГИШС ФХ | 204664961 | 1(A) |
| КАКО ФХ | 204019464 | 1(A) |
| ***ГУЛИСТОН ш.*** | | |
| КУТБИДДИН ХАМКОР СЕРВИС МЧЖ | 300402661 | 1(A), 20(B), 25(B) |
| РАСУЛЖОН ХАМКОР ДУРДОНА ХК | 300519111 | 1(B), 20(A) |
| УЧЛИК ИШОНЧ САВДОСИ МЧЖ | 206783171 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| ОРЗУ САВДО СЕРВИС ХК | 206748847 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| АЛ-ШИФО СЕРВИС ХК | 300724783 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| КОМИЛ-ХАМКОР ХК | 300602469 | 1(A), 20(A) |
| ЭКСПРЕСС-АВТО МЧЖ | 202572761 | 1(B), 17(B), 20(B), 25(B) |
| ИСМОИЛБЕК-ФАЙЗ-НУР ХК | 300504320 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| АО ГУЛИСТОН ЭКСТРАКТ ЁГ | 200323067 | 9(B), 20(B), 22(B), 33(B), 35(C), 38(B) |
| ***ШИРИН ш.*** | | |
| FAYZABSOLYUTQURILISH MCHJ | 206165157 | 1(A), 11(A), 25(B) |
| ***ЯНГИЕР ш.*** | | |
| АЗИЗБЕК ХФ | 202715234 | 1(A), 20(A), 22(B) |
| ***ГУЛИСТОН тумани*** | | |
| ABDURAHIM SAVDO IBRATI XK | 300080811 | 1(A), 11(A) |
| ***МИРЗАОБОД тумани*** | | |
| ШОХРУХ-ФОЗИЛ ТДА ХФ | 206586392 | 1(A), 11(A) |

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***ОҚҚЎРҒОН тумани*** | | |
| АЗИМ-УМИД НОН ХФ | 300594607 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 29(A) |
| ГАЙРАТ-ИШОНЧ САВДО ХФ | 300871056 | 1(B), 11(A) |
| ***ОҲАНГАРОН тумани*** | | |
| MICROS TEST MCHJ | 203115877 | 1(C) |
| ***БЕКОБОД тумани*** | | |
| ZIYOD QORIEV НОМЛИ ХХСК | 300835804 | 1(B), 29(A) |
| JUMABOZOR-DALVARZIN ХХСК | 300860093 | 1(B), 11(B), 17(B), 20(B), 29(A) |
| ABDULLAJON ISHONCH FAYZ МЧЖ | 300797400 | 1(B), 20(B) |
| ***БЎСТОНЛИҚ тумани*** | | |
| TOVOQSOYKABEL ZAVODI ШХЖ | 201320688 | 1(C), 11(A), 17(B), 20(B), 22(B) |
| ***БЎКА тумани*** | | |
| ММТП RAVOT TARAQQIYOT-ZIYO | 206155145 | 1(B), 14(B) |
| ***ОЛМАЛИҚ ш.*** | | |
| ASU TECHNOLOGY | 203641169 | 1(B), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A), 30(B) |
| KLINON ЧП | 204510963 | 1(B), 20(A), 29(A) |
| МАМУР ТРАНС МЧЖ | 203215508 | 1(A), 6(B), 17(B), 29(A) |
| SVETLYACHOK LARA MCHJ | 301394815 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| EVEREST-TUR МЧЖ | 203872324 | 1(B), 20(A), 25(A), 40(C) |
| ***АНГРЕН ш.*** | | |
| ЧФ ELITA-MARKET | 204193837 | 1(B), 11(A) |
| ООО КУВВАТ | 202298532 | 1(C), 17(B), 20(A), 22(B) |
| ISTIQBOL FAYZ PLYUS МЧЖ | 301553885 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 22(B) |
| ХК JANUB GAVHARI | 206743427 | 1(B), 11(A) |
| ***БЕКОБОД ш.*** | | |
| УМК ОАЖ ХХ ВТОРЧЕРМЕТ КБ | 200462171 | 1(B), 17(B), 20(B), 25(B) |
| ООО ЮПИТЕР-ЯН | 200458950 | 1(B) |
| SUXROBJON-MOXIRA-HAMKOR-SAVDO | 301342752 | 1(B), 20(A) |
| ***ЧИРЧИҚ ш.*** | | |
| TEXNET МЧЖ | 202765347 | 1(B), 11(A), 20(B) |
| ***ЗАНГИОТА тумани*** | | |
| QALBINUR FAYZ MEBEL MCHJ | 301210362 | 1(B), 11(B), 20(A) |
| MEHNAT AKVA MCHJ | 202852373 | 1(B), 20(A) |
| QOG'OZ-BIZNES MCHJ | 205577848 | 1(C), 11(B), 20(A) |
| ALKAN OIL INVEST MCHJ | 300762935 | 1(A), 11(B), 20(A) |
| BIOVET-SERVIS MOXINUR XK | 206810525 | 1(B), 11(B) |
| MASTER PRINT МЧЖ | 203905606 | 1(C), 20(B), 22(B), 43(B) |
| DAVRON-OMAD МЧЖ | 205825926 | 1(B), 11(B), 20(A) |
| XABIBULLO GLOBAL XK | 300071466 | 1(B), 11(B), 20(B), 22(B), 34(C) |
| OQ TEPA QURILISH МЧЖ | 206743363 | 1(A) |
| ZANGIOTA METALL SAVDO МЧЖ | 301301296 | 1(C), 17(B), 20(A) |
| IRAHS TRANS XK | 300956598 | 1(B), 11(A) |
| ZANGIOTA GOFRA BIZNES XK | 301008271 | 1(B), 17(B), 20(A) |
| DENTAFILL PLYUS XK | 205833140 | 1(C), 20(A), 34(C) |
| ***КИБРАЙ тумани*** | | |
| AYS TEA SEVEN МЧЖ | 205824064 | 1(C), 16(B), 17(B), 20(B) |
| SALAR-NOSIROV MUROT | 206351733 | 1(B) |
| MCHJ ST EXPRESS QK | 207033945 | 1(C), 20(B) |
| KAMILOVA ZULHUMOR ФХ | 204021875 | 1(A) |
| ULTRA COLOR МЧЖ | 301218819 | 1(B), 20(B) |
| OPTIMUS ХФ | 204576446 | 1(C) |
| ***ПАРКЕНТ тумани*** | | |
| ФХ TALANT | 201548545 | 1(A) |
| PARKENT GOLD CHICKEN XK | 300394910 | 1(B), 11(B), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A) |
| ***ПИСКЕНТ тумани*** | | |
| МАРХАМАТ ХК | 202551029 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 33(B) |
| ***ЎРТАЧИРЧИҚ тумани*** | | |
| PETROL-SERVIS ООО | 203044934 | 1(B), 20(B), 33(B) |
| 74-СОН TOYTEPA AVTOKORXONASI | 200582141 | 1(B), 15(B), 17(B), 20(B), 33(B) |
| ***ЧИНОЗ тумани*** | | |
| TA'MINOT-MTS-CHINOZ КОРХОНАСИ | 205050049 | 1(A), 11(A) |
| NIAGARA SPRING МЧЖ | 301657541 | 1(B), 11(A), 20(B) |
| ***ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани*** | | |
| ЯНГИ ГИШТ СЕРВИС ХК | 205250567 | 1(B), 11(B), 16(B), 17(B), 20(A), 29(A), 33(B) |
| ***ЯНГИЙЎЛ тумани*** | | |
| JAMSHID RAVON INVEST МЧЖ | 301593765 | 1(A), 11(B) |

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказувчи назорат қилувчи органлар |
|---|---|---|
| ***ОЛТИАРИҚ тумани*** | | |
| ТАРАККИЁТ МЧЖ | 203370712 | 1(B), 11(A), 20(A), 33(B) |
| ***БОҒДОД тумани*** | | |
| БОЛТАБОЕВ ФХ | 200948523 | 1(A) |
| ***БЕШАРИҚ тумани*** | | |
| ИСЛОМЖОН-Г. ФХ | 203737292 | 1(A) |
| ***БУВАЙДА тумани*** | | |
| МЕРИДИАН МРУ-КУР. ТАР. ФИР. | 205129557 | 1(A), 11(A), 25(A), 34(C) |
| ATTOJIRUL MARZUK МЧЖ | 301190548 | 1(A) |
| ***ҚЎҚОН ш.*** | | |
| УЙ ЖИХОЗЛАРИ МЧЖ | 200133540 | 1(A), 11(A) |
| СУВ ИНШОАТ ТАЪМИР МЧЖ | 201081915 | 1(A) |
| ДИЛШОД ХФ | 200134871 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| QOQON TOQIMACHILIK KOMBINATI | 200127721 | 1(B), 16(B), 20(A), 25(A) |
| АФЗАЛ МЕТАЛЛ ИНВЕСТ МЧЖ | 301310301 | 1(A) |
| ***МАРҒИЛОН ш.*** | | |
| BOGEMA INVEST SERVIS XK | 301078384 | 1(A), 20(A) |

8-бетда

